


ARNASOY TONGI



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

* XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMAN KENGASHI VA TUMAN HOKIMLIGI GAZETASI * GAZETA 1977 YIL 1 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN *

«ЧИНОБОД» МАҲАЛЛАСИ ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилган ислохотлар одамларимиз турмуш тарзида, ҳаётида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.



“Обод қишлоқ”(“Обод маҳалла”) дастурлари доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнлари бу борада айниқса аҳамиятлидир. Тан олиб айтиш керак, Президентимиз ташаббуси билан мазкур дастурлар бошлангунча, чекка ҳуддлардаги аҳоли масканлари эътибордан четда қолиб келмоқда эди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бўйлаб юзлаб аҳоли масканлари, маҳаллалар ушбу дастурга киритилиб, том маънода обод, гуллаб-яшнаган масканларга айланди. Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш жоиз. Мазкур дастурлар доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик жараёнларида жойлардаги инфраструктурани тубдан яхшилашга, аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим, мактабгача таълим, тиббиёт муассасалари таъмирланмоқда ёки янгидан бунёд қилинмоқда.

Жорий йилда мазкур дастурлар доирасидаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари туманимиз-

даги Чинобод ва Ф.Фулом маҳаллаларида олиб борилади. Айни пайтда мазкур маҳаллаларда электр энергияси, газ ва ичимлик суви муаммоларини бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, шифо масканлари, кўчалар, кўплаб аҳоли хонадонлари таъмирлана бошланди.

Туманимиздаги Чинобод маҳалласи учун 5 млрд 147 млн. 160 минг сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган.

Маҳаллада электр энергияси барқарор етказиб берилиши юзасидан 2,4 км электр тармоқларини тортиш, 53 та таянч устунлари ҳолатини яхшилаш, 2,2 км пиёдалар йўлакчаси қурилиши ва 25 та тунги ёритиш тизимини ўрнатиш, 5 км ички йўлларнинг аҳолини яхшилаш, 20 та янги газ балонларни етказиб берилиш, 1,4 км янги оптик толали алоқа ўрнатиш ишлари қизғин бошлаб юборилди.

Рустам НУРМАТОВ.

Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати
хабар қилади

АҲВОЛ ҚАНДАЙ, АРНАСОЙЛИК ТАДБИРКОРЛАР?

Тумандаги тадбиркорлик субъектлари ҳамда чет эллик инвесторлар муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан Жиззах вилояти ҳокимлиги, Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси, Жиззах вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказилди.

Мазкур сайёр қабулда Жиззах вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири Ш.Сулеймонов, Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ж.Хожанов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Жиззах вилоятидаги вакили С.Усмонов, Арнасой туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаиловлар, тумандаги корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Дастлаб тадбиркорлик субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларни жалб қилиш борасида яратилаётган шарт-шароитлар бўйича қабул қилинаётган янги меъёрий ҳужжатлар атрофлича тушунтириб ўтилди.

Шундан сўнг, тадбиркорлар томонидан келиб тушган ҳар бир мурожаат Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ж.Хожанов бошчилигида ишчи гуруҳ иштирокида бирма-бир кўриб чиқилди.

Сайёр қабулда 40 нафардан ортиқ фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этиб, уларнинг 32 та муаммолари масалалари юзасидан мурожаатлари қабул қилинди.

Мурожаатларнинг 2 таси шу ерни ўзида ижобий ҳал этилди. Жумладан, Ф.Ғулом МФЙ ҳудудида яшовчи Шоҳжаҳон Исмоилов аҳолига компьютер хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш учун АТБ “Агробанк” туман филиалидан 33,0 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиш бўйича ҳамда О.Водий МФЙ ҳудудида яшовчи Ҳафиза Сағатованинг “Ҳар бир оила тадбиркор” Давлат дастури доирасида иссиқхона қуриш учун “Халқ банки” туман филиалидан 30,0 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиш юзасидан қилган мурожаатлари жойида ижобий ҳал этилиб, уларга кредит маблағи олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда фуқаролар томонидан йўлланган бошқа мурожаатлар қонунда кўрсатилган вақтда ўрганиб, ҳал этилиши юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларига аниқ вазифалар юклатилди.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА, МАШАҚҚАТИНГ ОЗ БЎЛУР

Туман Дон қабул қилиш корхонасида қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Жиззах вилоят ва туман қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, туман ИИБ бошлиғи Рустам Уматкулов, Арнасой туман ҳокимининг Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ҳоким ўринбосари Шерзод Кўнаров, туман фермерлар Кенгаши раиси Мунаввар Собиров, тумандаги СИУ ва фермер хўжаликлар раислари, комбайн операторлари иштирок этди.

Семинарда асосий масала ғалла парваришига қаратилди. Комбайнларни ўз вақтида техник ҳолатини яхшилаш ва керакли ускуналар билан таъминлаб жорий йилнинг март ойига барча ғалла

ўриш комбайнларини шай ҳолат келтириш лозимлиги қайт этилди.

Шунингдек семинар давомида тумандаги пахта, ғалла кластерлари ишлаб чиқариш объектлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида чора тадбирлар амалга ошириш лозимлиги кўрилди.

Жумладан, ғалла мавсумига тайёргарлик кўриш ва комбайн хайдовчиларининг ойлик маошларини ўз вақтида тўлаб борилиши қайд этилиб, аванс тариқасида 2 млн сўм миқдорда пул маблағлари тарқатилди.

Арнасой туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати.

Республика Маънавият-маърифат маркази вилоят бўлими ва туман Халқ таълими бўлими ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ҳамда унинг ижросини таъминлаш юзасидан семинар ташкил этилди.

МАЪНАВИЯТ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ РУҲИ ВА ЖОНИДИР



Туман ҳокимлигининг кичик мажлислар залида ташкиллаштирилган семинарда туман ҳокими, Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси Хуршид Алимардонов, соҳа мутасаддилари ҳамда тумандаги барча умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари иштирок этдилар.

Тадбир давомида Тараққиёт стратегияси, унда акс этган мақсад ва вазифалар ҳақида батафсил сўз юритилди. Мактаб ўқувчиларини маънавий етук, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ўқитувчилар ва синф раҳбарлари касбига фидоийлик билан ёндашиши ҳамда ота оналар йиғилишларини кўпроқ ва ҳамкор ташкилотларни жалб қилган ҳолда ўтказиш, натижаси юзасидан ҳисобат киритилиши ҳақида назарий тушунчалар бериб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Шавкат ХУДОЙКУЛОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
туман бўлини бош мутахассиси.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ**Туман маҳаллий бюджетининг
2022 йил бошига шаклланган эркин
қолдиқ маблағлари ҳисобидан туман
ҳокимлигининг “Е-қарор” электрон
tizими абонент тўлови учун маблағ
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига «Е-қарор» электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 390-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

**Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси
Хуршид АЛИМАРДАНОВ.**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ**Туман маҳаллий бюджетининг
2022 йил бошига шаклланган эркин
қолдиқ маблағлари ҳисобидан
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Жиззах вилоят Кўриқлаш
бошқармаси томонидан Арнасой туман
ҳокимлиги маъмурий биносини
кўриқлаш хизматидан бўлган
қарздорликни қоплаш учун маблағ
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 555-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 555-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

**Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси
Хуршид АЛИМАРДАНОВ.**

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев)га туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан туман ҳокимлигининг “Е-қарор” электрон тизими абонент тўлови учун 9,0 (тўққиз) млн.сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

3. Ажратилган маблағни мақсадли ишлатилишини таъминлаш туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Мухиддиновга топширилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш” масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган
эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Обод маҳалла” давлат
дастури ижросини таъминлаш учун маблағ ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев)га туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Обод маҳалла” дастурига асосан ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган ёқилғи мойлаш материаллари олиш мақсадида 50,0 (эллик) млн.сўм миқдоридаги маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган
эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан вилоят ҳокимлиги
қошидаги ҳарбий-маъмурий сектор жамғармасига маблағ
ўтказиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги “Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 659-сонли қарори ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги “Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 659-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев)га Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 659-сонли қарорига асосан туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан

3. Ажратилган маблағни мақсадли ишлатилишини таъминлаш туман ҳокимининг биринчи З.Исмаев ва туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Мухиддиновга юклатилсин.

4. “Обод маҳалла” дастурига асосан ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун олинган ёқилғи мойлаш материаллари туман Ободонлаштириш бошқармасига бегараз берилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Адилов ва туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Б.Абдушукровлар олинган ёқилғи мойлаш материалларини мақсадли сарфланишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Халқ депутатлари
туман Кенгаши раиси
Хуршид АЛИМАРДАНОВ.**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган
эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан вилоят ҳокимлиги
қошидаги ҳарбий-маъмурий сектор жамғармасига маблағ
ўтказиб бериш тўғрисида**

60,0 (олтмиш) млн.сўм миқдоридаги маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев ва туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Мухиддиновларга мазкур маблағни вилоят ҳокимлиги қошидаги ҳарбий-маъмурий сектор жамғармасига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Халқ депутатлари
туман Кенгаши раиси
Хуршид АЛИМАРДАНОВ.**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган
эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан вилоят ҳокимлиги
қошидаги жисмоний ва юридик шахсларга етказилган
зарарларни қоплаш жамғармасига маблағ ўтказиб бериш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1047-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1047-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев)га туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил

бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сонли қарорига мувофиқ 69,0 (олтмиш тўққиз) млн.сўм миқдоридаги маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев, туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Мухиддиновларга ажратилган маблағни вилоят ҳокимлиги қошидаги жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш жамғармасига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмаев зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Халқ депутатлари
туман Кенгаши раиси
Хуршид АЛИМАРДАНОВ.**

2022 ЙИЛ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ТАНИШИНГ:

АРНАСОЙ ТУМАНИДАГИ
МАҲАЛЛАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ
БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ
ОЛИБ БОРАЁТГАН ҲОКИМ
ЁРДАМЧИЛАРИ ВА ЁШЛАР
ЕТАКЧИЛАРИ:

1. “Чўлқувар” МФЙ:

Бегатов Илёс Уматкулович – ҳоким ёрдамчиси
Раҳимов Жаҳонгир Карим ўғли – ёшлар етакчиси

2. “Гулбахор” МФЙ:

Саидазимов Наврўзбек Ўктам ўғли – ҳоким ёрдамчиси
Абдуллаев Аброр Ҳамраевич – ёшлар етакчиси

3. “Дўстлик” МФЙ:

Насриддинов Муслимбек Тошпўлат ўғли – ҳоким ёрдамчиси
Хатамов Дилшод Баратович – ёшлар етакчиси

4. “Бахтли” МФЙ:

Зулфикооров Зокир Яхшиевич – ҳоким ёрдамчиси
Ўлжаев Шерзод Аширбаевич – ёшлар етакчиси

5. “Ғолиблар” МФЙ:

Норбутаев Ориф Урдушевич – ҳоким ёрдамчиси
Парпиев Рустам Ғанишерович – ёшлар етакчиси

6. Ғ.Ғулом МФЙ:

Сатторов Отабек Илҳом ўғли – ҳоким ёрдамчиси
Муҳаммадиев Курбоназар Гулмат ўғли – ёшлар етакчиси

7. Бобур МФЙ:

Алматов Жавлон Абдурасулович – ҳоким ёрдамчиси
Мингбоев Шерали Ўсар ўғли – ёшлар етакчиси

8. “Олтин водий” МФЙ:

Боймуродов Суннат Икрамжонович – ҳоким ёрдамчиси
Турабоев Дилшод Шавкат ўғли – ёшлар етакчиси

9. “Янгибўстон” МФЙ:

Исанов Набижон Табилович – ҳоким ёрдамчиси
Алимов Миркомил Эшқулович – ёшлар етакчиси

10. “Чинобод” МФЙ:

Юлдашев Анвар Хидирович – ҳоким ёрдамчиси
Худойбердиев Ўлмас Аҳмад ўғли – ёшлар етакчиси

11. “Зарафшон” МФЙ:

Абдазов Саидахмат Абдукаримович – ҳоким ёрдамчиси
Бултаков Зоҳиджон Гулмурод ўғли – ёшлар етакчиси

12. “Тинчлик” МФЙ:

Бастамов Фарҳод Оролович – ҳоким ёрдамчиси
Жуманов Бекзод Душа ўғли – ёшлар етакчиси

13. “Бўстон” МФЙ:

Исматов Жамоллиддин Камоллидинович – ҳоким ёрдамчиси
Аҳмедов Бобур Ўктам ўғли – ёшлар етакчиси

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Меҳр дафтари” тизими жорий этилади.

“МЕҲР ДАФТАРИ”

Бу борада Ҳукумат Қарори билан Низом тасдиқланган бўлиб, Низомга мувофиқ, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида “Меҳр дафтари”га киритилади ва ундан чиқарилади.

“Меҳр дафтари” тизимида киритишнинг ахборот тизимидан фойдаланиш ва маълумотларни киритиш тартиби Миллий гвардия томонидан белгиланади.

2022 йил 1 февралгача мазкур ахборот тизими амалиётга жорий этилади.

Ўқув-тарбия муассасалари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари “Меҳр дафтари”ни шакллантиришга масъул ҳисобланади.

Қуйидагилар “Меҳр дафтари”га маълумотларнинг бевоқифа киритилишини таъминлайди:

Халқ таълими вазирлиги томонидан унинг тизимидаги Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари ва Оилавий болалар уйлари;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан унинг тизимидаги Болалар уйлари;

“SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси томонидан унинг тизимидаги болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари, ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматлари тарбияланувчилари ва битирувчилари тўғрисидаги;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари томонидан васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги.

Дафтарга киритилган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиш)лари тегишли тартибда ўрганилади.

“Меҳр дафтари”га киритилган болаларни қўллаб-қувватлаш ишлари қуйидагилар томонидан мувофиқлаштирилади:

туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси томонидан манфаат-

дор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари томонидан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда;

Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шуъбаси ва Миллий гвардия томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар 25 ёшга тўлганда тегишли қарор асосида “Меҳр дафтари”дан чиқарилади.

Бунда дафтардан чиқарилаётган шахсларнинг бандлиги таъминланган ва уй-жойи мавжуд бўлиши шарт. Бандлиги таъминланмаган ҳолатларда, “Меҳр дафтари” ҳисобида туриш муддати бандлиги таъминлангунгача, бироқ 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади.

Раббим РАЖАБОВ,
Арнасой туман юридик
хизмат
кўрсатиш маркази
бошлиғи.

“ТИНЧЛИК” МФЙ ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПК-20-сонли қарорига асосан, жорий йилда “Тинчлик” маҳалласи аҳолисига кишлоқ хўжалиги экинлари экиши учун 5,8 гектар тоза, унумдор, сугоришга қулай ер майдони “Хоразм” СИУ ҳудуди 10 кентурдан ажратилди.

Ушбу ер майдони 20 сотихдан бўлиниб, 29 нафар фуқарога кишлоқ хўжалиги экинлари экиши электрон танлов асосида 10 йилга берилади.

Танловда 18 ёшдан юқори бўлган фуқаролар иштирок этишлари ва белгиланган меъзонлар асосида ғолиб бўлиб, ер эгасига айланишлари мумкин.

Танловда иштирок этувчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да турувчи фуқаролар БХМда белгиланган бир марталик 270000 сўм тўловдан озод қилинган.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ – КЕЛАЖАК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланади. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

БМТ дунё мамлакатларига фуқаролар билан юзага келадиган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ечими ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг демографик кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камида бир маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тавсия этади.

Афсуски, юртимизда мустақилликдан сўнг кенг қўламда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказил-

маган. Шу боис, мамлакатимизда илк бор 2023 йилда ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига айни пайтда қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллий, элатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий мавқеимиздан қатъи назар бирдек манфаатдормиз. Боиси, мазкур йирик ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони (2021 йил 1 январь ҳолатига республика аҳолиси 34 558,9 минг киши ташкил этган), фуқаролиги, никоҳ ҳолати яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки эрта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси (ўрта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сони, уй ҳўжалигининг яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар



бўйича бугунги кунда етарлича мавжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади.

Шаҳарча, маҳалла, кишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

**Арнасой туман статистика бўлими
маъмурияти.**

9 февраль-Алишер Навоий таваллуд топган кун



ОДАМИ ЭРСАНГ ДЕМАГИЛ ОДАМИ...

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бобомиз таваллуди ҳар йили юртимизда тантанали ва байрамона кайфиятда нишонланиб келинади. Нафақат таълим масканларида, балки ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда “Навоийхонлик” кечалари ташкил этилади. Шоирнинг ғазалларига басталанган кўшиқлар янграйди. Навоий бобомизнинг ижоди ўзбек адабиётигагина эмас, жаҳон адабиётига ҳам жавоҳир бўлиб қўшилган дурдонэканлиги билан ўта аҳамиятлидир. Навоий сиймоси ва ижодини ўзга халқ вакиллари ҳам қизиқиш билан ўрганадилар. Япония, Москва ҳамда Озарбойжон давлатларида улуғ шоиримиз ҳайкаллари ўрнатилган.

Юртимизда эса Навоий бобомиз номлари билан аталувчи шаҳар ва вилоят мавжуд. Кўплаб боғлар, илмфан, маданият масканларига ҳам буюк мутафаккирнинг номи берилиши давлатимизнинг, халқимизнинг шоир сиймосига бўлган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

Алишер Навоий туркий ва форсий тилларда ғазаллар битган. Унинг назмий асарлари 120 минг байтдан ортиқ. 51230 мисрадан ташкил топган. “Хамса” эса шоирнинг шоҳ асаридир. “Хазойин ул-маоний” (Маънолар хази-

наси) девони қарийиб 45 минг мисрадан иборат.

Мир Алишер Навоий бутун умрини нафақат ижодга, балки халқ фаровонлиги йўлида бунёдкорлик ҳамда эзгулик ва хайр-саховат ишларига бағишлаган. Бобокалонимиз фақат Хиротда эмас, Хуросоннинг барча вилоятларида ҳам кўплаб хайрия уйлари, кўприк ва работлар, ҳовузлар барпо эттиргани тарихдан бизга маълум. Навоий ўз даврида замондош шоирлар, олимлар ва санъат аҳлининг моддий ва маънавий кўмакчиси, санъат ва адабиётнинг ҳақиқий ҳомийси бўлган. Бир умр Яратганнинг ишқида ёниб, элим, юртим деб яшаган шоирнинг номи ва ижоди асрлар двомида авлодларга ибрат мактаби бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Халқ аро яхшироқ дединг кимдир, Эшитиб айла шубҳа рафъандин. Яхшироқ бил ани улус ароким, Этса кўпрак улусга нафъандин.

Халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир. Яъни Навоий бобомиз айтганидек:

Одами эрсанг демагил одами, Оми йўқ, халқ ғамидин ғами.

Умуминсоний ғоялар тараннум этган улуғ мутафаккирнинг асарлари мангу барҳаёт.

Эшқувват Муҳиддин.

ИБРИЮ, ЮНОНИЮ, СУРЁНИ ҲАМ, ҲИНДИ АГАР СЎРСА, БИЛИБ ОНИ ҲАМ

Алишер Навоий асарларида илм таърифи, устозлар зикри, умуман таълим-тарбияга алоҳида боблар ажратилган, кўпгина асарларининг туб моҳияти илм-маърифат олиш лозим, деган ақида негизда яратилган. “Ҳайратул аброр” достонининг XLII боб, 11 мақолоти илм таърифига бағишланиб, унда кишлоқдан илм олишга келган бир камбағал йигитнинг аҳволи ҳикоя қилинади. Илмнинг осмон юлдузларидек баланд мартабага эгалиги ҳақидаги ўхшатишлар мажозий маънода бугун ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Мақолотда ёш талаба усти юпунлиги, бечораҳол аҳволига қарамасдан сабртоқат билан илм олишга интилади. Ушбу талаба образи билан бугунги талабалар ўртасида маълум ўхшашликлар бор. Айниқса, дунёвий билимларни эгаллаш, кўп тилни ўрганишга бўлган иштиёқ ва ҳаракатлар фақат бугун эмас барча даврларда замон талаби бўлганлигини кўрсатади:

Ибрию, юнонию, сурёни ҳам, Ҳинди агар сўрса, билиб оми ҳам.

Фақатгина бугунги талабалар билан ушбу талаба ўртасидаги асосий тавофут ижтимоий шарт-шароитларда фарқланади. Чунки замонамиз одамлари онг ва шуури турли ижтимоий билимлар доирасида шаклланиб бормоқда ва илм йўлида ҳар қандай ҳомийликка бел боғлаган. Муҳтожликдан жисми заифлашган, савол беришга ҳам мадори қолмаган

ўша талабанинг бугунги издошлари қадамлари собит, сўзлари бурро, келажакка умид билан боқаётган ёшлардир. Демак, Навоий ўз даврида илм истаган ҳар бир ёшга моддий жиҳатдан ёрдам бериш лозимлигини назарда тутган, ўз даври одамларига асар орқали етказмоқчи бўлган.

Алишер Навоий яна илмни одам ҳеч қачон хор бўлмаслиги, илм ҳар доим ўзини оқлагани, вақти келиб молдунёси кўп жоҳилларнинг илм хазинаси соҳибларига муҳтож бўлиши ҳолатларини ҳаётий воқеалар асосида тасвирлаб беради. Олим одам қандай бўлиши, халққа садоқат билан хизмат этишини уқтиради:

Олим агар қатъи амал айласа, Илмига шойиста амал айласа; Солмаса кўз жифаи дунё сари, Боқмаса туз дунийи фони сари. Оми шараф гавҳарининг кони бил, Гавҳару кон, ҳарне десанг оми бил.

Навоийнинг ушбу айтган фикрлари бугун тобора юксак аҳамият касб этиб бормоқда. Чунки Навоий назарда тутган комилликнинг белгиларидан бири бу – илм эди ва бу ғоя ўз исботини ёшлар томонидан эгалланаётган юксак марраларда намоён этиб турибди.

Ш.ТУЙҒУНОВА,
Арнасой туман касб-хунар мактаби Ёшлар ишлари бўйича директор ўринбосари в.б.

Мактабгача таълим

ЁШЛИКДА ОЛИНГАН БИЛИМ – ТОШГА ЎЙИЛГАН НАҚШДИР

Боланинг ҳар томонлама ривожланиши (ақлий, жисмоний, руҳий) унинг яхши таълим тарбия олишини ҳамда дунёқарашини шакллантиради. 7 ёшгача бўлган болалар МТТга қадам қўйишар экан, уларнинг ҳаётида муҳим ўзгаришлар, физиологик жараёнлар юзага келади.

Ҳозирги кунда педагог кадрлардан замонавий технологиялар асосида тарбияланувчиларга таълим бериш замон талаби ҳисобланади. Бугунимиз қувончи, эртамиз эгалари - ўсиб келатган ёш авлодга яхши таълим-тарбия бериш ҳар бир касб эгасининг муқаддас бурчидир.

Болалар тарбиясига ижодий ёндашиш уларда билим кўникма малакаларни ҳосил қилиш, бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил этиш керак. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашда чет тилининг ўрни бекиёсдир. Жумладан, инглиз тили ҳар бир ташкилотда жорий этилиши унга бўлган талабнинг қай даражада эканлигидан далолатдир.

Мактабгача ёшдаги бола 40 фоиз билимни оилада, 60 фоиз ташқи муҳитдан олади. Болалар машғулоти мазмунли қизиқарли ўтиши учун куйидаги ўйинни мисол қиламиз:

Lets go stand up

Жараён: болалар доира шаклида ўтиришади

Тил ўқитувчиси: Good morning Good morning how are you



Жараён: болалар I'm fine thank you

Тил ўқитувчиси: ҳамма болаларга мевалар тарқатилади: apple, greps, banana, жойимизни ўзгартирамиз. Ўқитувчи айтган мевалар жойини ўзгартиради. Шу тариқа ўйинни давом эттиради. Охири қолган иштирокчи голиб бўлади. Бу ўйинни бошқа мавзуларда ҳам ўтказишимиз мумкин. Болалар бу орқали фикрини жамлайди диққати ошади, ҳамда сўзларни ёд олишга имкон беради.

Сарвиноз ТОШТЕМИРОВА,
5-сонли ДМТТ тил ўқитувчиси.

Огоҳликка даъват

Ёнғинни ўчиргандан кўра...

Аҳоли турар жойлари, мактаб, корхона ва ташкилотларда ФВБ ходимлари томонидан текширишлар ўтказиш даврида билдирилган эътирозлар баъзи фуқаролар томонидан тушунмовчилик тариқасида қабул қилинади. Хоналарни ёғочтахта конструкториялар билан бўлиш, турли материаллар билан тўсиш каби ёнғин хавфсизлиги меъёрларига зид мезонлар дастлабки навбатда фуқаролар хавфсизлигига қаратилгани тушунтирилишига қарамай, бу ҳолатлар қайта-қайта такрорланаётгани кишини ажаблантиради.

Бундай ҳолатни кўпинча тадбиркорлар томонидан қурилатган маиший ва бошқа биноларда қўришимиз мумкин. Бунда улар асосан жойдан имкони борица унумлироқ, кўпроқ фойдаланиш мақсадида бинонинг ёнғинга хавфлилик даражасини ошираётганликларини билишмайди.

Қурилиш конструкцияларини ёнғиндан ҳимоялаш бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Халқ хўжалиги масканларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг кўлами эса анчагина кенг. У лойиҳалаштириш, шаҳар ва аҳоли пунктларини қуриш, турли соҳаларга мўлжалланган биноларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини таъминлаш, конструкциялар, қурилиш материаллари, муҳандислик қурилмалари, қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш кабиларни ўз ичига олади. Ёнғиндан ҳимоялаш атамаси асосий ёнғинга чидамли материалларга нисбатан ишлатилади. Бунда кўпроқ металл ва ёғоч конструкциялар, енгил тўсиқлар назарда тутилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПК-62 сонли Қарори талаблари ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан биридир.

Айни пайтда ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида туманимизда ҳам фаол сўй-ҳаракатлар оли борилмоқда. Ўз навбатида ходимларимиз томонидан олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари давомида 3 та ноқонуний қурилмалар аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Қиш кунлари фуқаролар ўз хонадонларида ва иш жойларида турли хил иситиш мосламаларидан фойдаланишмоқда. Яна бир бор, ушбу ҳолатларда ёнғин хавфсизлиги чораларига амал қилишни, қўлбола ясалган электр ва газ иситиш ускуналарида, меъёр талабларига жавоб бермайдиган ва носоз бўлган иситиш печларидан фойдаланмасликни, газни резина шланглар ёрдамида улаб ишлатмасликни айтиб ўтишни истардик. Чунки, бундай ҳолатларда авваламбор, инсон соғлиғига путур етиши, ҳаётингиз хавф остида қолиши мумкин.

Ёнғинни ўчиргандан кўра, уни олдини олган осонроқдир. Тилсиз ёвнинг фуқароларга моддий талофат етказиб, инсонлар умрига завола бўлишига йўл қўймаслик бугунги кунда кенг жамоатчиликнинг бурчидир.

Ш.МАРИФОВ,
Арнасой тумани ФВБ НТБ бошлиғи, лейтенант.

ARNASOY TONGI

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Arnasoy tuman Kengashi
va tuman hokimligi

Jizzax viloyati Matbuot
va axborot
boshqarmasidan
06-004 raqamida
ro'yxatdan o'tgan.
Bichimi A3
ISSN 2010-7765

Bosh muharrir
Xurshid MIRZAYEV

Navbatchi muharrir:
Baxrom MIRZO

Sahifalovchi:
Farhod ABDUGAPPAROV

Tahririyat manzili:
Arnasoy tumani markazi,
G'oliblar qo'rg'oni,
tuman hokimligi binosi
Tel.: 372-12-40
ELEKTRON MANZILIMIZ:
Email: arnasoy_tongi@mail.ru

«Noshir Lux» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi, 270-uy
Buyurtma № Adadi 1200